**Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртларига кирувчилар учун тест савол-жаволари**

# ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

**1. Ўзбек тили қариндошлик даражасига кўра қайси тиллар гуруҳига мансуб?**
A) Роман тиллари гуруҳига.
B) Мўғул тиллари гуруҳига.
C) Ҳинд-европа тиллари оиласига.
D) Эрон тиллари гуруҳига.
E) Туркий тиллар гуруҳига.

**2. Адабий талаффуз қоидалари тилшуносликнинг қайси бўлимида ўрганилади?**
A) Этимология.
B) Морфология.
C) Лексикология.
D) Орфоэпия.
E) Орфография.

**3. Қандай товушлар жарангли ундошлар дейилади?**
A) Нутқ органларида тўсиққа учрамайдиган товушлар.
B) Шовқин ва ун(овоз)дан ҳосил бўлган товушлар.
C) Фақат шовқиндан ҳосил бўлган товушлар.
D) Фақат ун(овоз)дан ҳосил бўлган товушлар.
E) Ёлашган товушлар (графемалар).

**4. Қайси қатордаги отларга эгалик қўшимчаси қўшилганда, иккинчи бўғиндаги унли тушиб қолади?**
A) Пичоқ, қулоқ.
B) Ўрин, сингил.
C) Эшик, этик.
D) Ўрик, челак.
E) Қаймоқ, тирноқ.

**5. Синоним қўшимчалар билан ясалган сўзлар берилган қаторни топинг.**
A) Бехабар-хабарсиз, серсавлат-басавлат.
B) Кучли-кучсиз, баракали-бебарака, фойдали-бефойда.
C) Ишчи, ишла, ишчан, ишлаш.
D) Мазмундор, савлатдор, мулкдор.
E) Кўчма, сочма, бурама.

**6. Фақат ясама сўзлар берилган қаторни топинг.**
A) Дарахтлар, кўкроқ, болагина.
B) Ишларимиз, гулзорни, орзулар.
C) Теримда, сўзла, бефойда.
D) Оқиш, ўқиган, китобча.
E) Бешёғоч, пахтадан, ўқидилар.

**7. Қўшимчаларнинг вазифасига кўра турлари қайси қаторда тўлиқ берилган?**
A) Сўз ясовчи, шакл ясовчи, сўз ўзгартувчи.
B) Содда қўшимчалар, мураккаб қўшимчалар.
C) Олд қўшимчалар, сўнг қўшимчалар.
D) Келишик қўшимчалари, эгалик қўшимчалари.
E) Синоним қўшимчалар, антоним қўшимчалар.

**8. Грамматиканинг таркибий қисмлари кўрсатилган қаторни топинг.**
A) Фразеология ва диалектология.
B) Фонетика ва орфография.
C) Орфография ва орфоэпия.
D) Морфология ва синтаксис.
E) Лексикология ва лексикография.

**9. Қайси қаторда фақат ёрдамчи сўз туркумлари берилган?**
A) Тақлид ва ундов сўзлар, феъл.
B) Феъл, юклама, равиш.
C) От, сифат, феъл.
D) Сон, олмош, боғловчи.
E) Кўмакчи, боғловчи, юклама.

**10. Мавҳум отлар берилган қаторни топинг.**
A) Бахт, китоб, олма.
B) Армия, халқ, пода.
C) Озодлик, туйғу, севги.
D) Бола, сув, садоқат.
E) Қария, гул, пахтакор.

**11. Қайси қаторда соф кўплик маъноси ифодаланган?**
A) Дадамлар келдилар.
B) Тилларим ачишиб кетди.
C) Москваларни томоша қилиб келдим.
D) Соат бешларда бораман.
E) Мен гулларни тердим.

**12. Фақат ясама сифатлар кўрсатилган қаторни топинг.**
A) Яхшироқ, бахтли, очкўз.
B) Бадавлат, очиқ, одобли.
C) Эртапишар, салқин, яшил.
D) Оқимтир, ақлли, сахий.
E) Ҳаворанг, бемаза, қизил.

**13. Баъзан ўйлаб дейман, не бўларди гар,**
**Қудратин кўргазса табиат ҳассос.**
**Ушбу мисраларда олмошнинг қайси тури қўлланган?**
A) Сўроқ олмоши.
B) Кишилик олмоши.
C) Кўрсатиш олмоши.
D) Белгилаш олмоши.
E) Бўлишсизлик олмоши.

**14. Қайси қаторда мажҳул нисбат (даража)даги феъл қўлланган?**
A) Мусича болаларига озор етказдирмади.
B) У китобни ўқиди.
C) Салим муздек сувда ювинди.
D) Ерлар ҳайдалди.
E) Улар чолнинг гапларига завқланиб кулишдилар.

**15. Тенг боғловчиларнинг маъно муносабатига кўра турлари қайси жавобда берилган?**
A) Тенг боғловчилар, эргаштирувчи боғловчилар.
B) Сабаб боғловчилар, шарт боғловчилар, чоғиштирув боғловчилар.
C) Якка боғловчилар ва такрорий боғловчилар.
D) Бириктирувчи боғловчилар, зидловчи боғловчилар, айирувчи боғловчилар.
E) Тенг боғловчилар маъно муносабатига кўра турларга бўлинмайди.

**16. Қалқон кўтарган жангчини учратдим-у, лекин китоб ушлаганини кўрмадим.**
**Ушбу гапдаги сифатдошлар қайси қаторда берилган?**
A) Ушбу гапда сифатдош қўлланилмаган.
B) Қалқон, китоб.
C) Кўтарган, ушлаган.
D) Жангчини.
E) Учратдим, кўрмадим.

**17. Қайси жавобда отли бирикма берилган?**
A) Жўшиб куйлади.
B) Чиройли шаҳар.
C) Вазифани бажариб.
D) Китобни ўқидим.
E) Оғир хўрсинмоқ.

**18. Қайси қаторда кўрсатилган хусусият гапга хос эмас?**
A) Гап икки ёки ундан ортиқ сўзлардан иборат бўлади.
B) Гап тугалланган оҳанг билан айтилади.
C) Тугалланган оҳанг билан айтилганда биргина сўздан ҳам гап ҳосил бўлади.
D) Одатда гапда ҳоким сўз олдин тобе сўз кейин жойлашади.
E) Гап орқали нисбий тугалланган фикр ифодаланилади.

**19. Қайси сўз туркумлари ёрдамида сўзлар ўзаро грамматик боғланади?**
A) Тақлид сўзлар, ундов сўзлар.
B) От, сифат, сон.
C) Феъл, равиш.
D) Кўмакчи, боғловчи.
E) От, олмош.

**20. Гаплар ҳис-туйғуни ифодалашига кўра қандай турларга бўлинади?**
A) Буйруқ гап, ундов гап.
B) Ундов гап, ҳис-ҳаяжон гап.
C) Сўроқ гап, риторик сўроқ гап.
D) Ҳис-ҳаяжонли гап, ҳис-ҳаяжонсиз гап.
E) Дарак гап, сўроқ гап.

**21. Жавобларнинг қайси бирида «бойлик» сўзи эга вазифасида қўлланган?**
A) Бойлигингга ишонма, билимингга ишон.
B) Соғлигим — бойлигим.
C) Бойлигим — соғлигим.
D) Пахта халқ бойлигидир.
E) Бойлик орттиришга ружу қилмоқ ёмон одат.

**22. Қуйидаги гапда ажратилган бўлакларнинг қайси тури иштирок этган?**
У сойда, қўш ёнғоқнинг тагида, оппоқ қорга кўмилиб узоқ турди.
A) Ажратилган ҳол.
B) Ажратилган аниқловчилар.
C) Ажратилган бўлаклар иштирок этмаган.
D) Ажратилган изоҳловчилар.
E) Ажратилган тўлдирувчилар.

**23. Шарт эргаш гапли қўшма гап берилган қаторни топинг.**
A) Буғдой уч кунда етилса, якшанбада сумалакни бошлаймиз.
B) Қаерда интизом бўлмаса, у ерда иш ҳам бўлмайди.
C) Қуёш ботса ҳамки, болалар келмади.
D) Кимнинг билими кучли бўлса, унинг орзулари амалга ошади.
E) Ҳой қизлар, шартим шуки, кетгунча ашула қилиб кетасанлар.

**24. Бириктирувчи боғловчили боғланган қўшма гап қайси жавобда берилган?**
A) Отнинг ёлига ёпишиб қорнига тепди ва от уни қирга томон олиб кетди.
B) Собир Ўктамни қолишга қистади, лекин у унамади.
C) Гоҳ бўриларнинг увиллашлари, гоҳ чўпонларнинг бақирган товушлари эшитилар эди.
D) Елга тупурма, бетингга қайтади.
E) Қизиғи шуки, мен уни танимай қолдим.

**25. Қайси қатордаги кўчирма гапда тиниш белгилари хато қўлланган?**
A) «Тўғри сўз, — деди Карим ака, — тошни ёради».
B) У мени кузатиб қўяркан: «Гулга қарздормиз», — деди яна ҳазиллашиб.
C) «Гапирасизми?» — деди Сидиқжонни секин туртиб, — «Бўлмаса опам гапирсинлар».
D) У қичқирди: «Кетинглар!»
E) «Тойча бўлсак ҳам от изидан боряпмиз», — жавоб берди Жўра.

**26. Қайси жавобда кўп маъноли сўзни омонимлардан фарқловчи асосий хусусият берилган?**
A) Кўп маънолилик мустақил сўз туркумларига хос.
B) Кўп маънолилик ҳодисаси сўзнинг маъносига хос ҳодисадир.
C) Кўп маъноли сўзлар маъноси гапда намоён бўлади.
D) Кўп маъноли сўзлар қанча маънога эга бўлмасин, бу маънолар ўзаро боғланган бўлади.
E) Кўп маъноли сўзлар гап бўлаклари бўла олади.

**27. Тилшуносликка оид атамалар берилган қаторни топинг.**
A) Феодализм, капитализм, жамият.
B) Товуш, сўз, гап, боғловчи.
C) Аруз, ғазал, туюқ, ҳикоя.
D) Куч, масофа, оптика, товуш.
E) Футбол, кураш, самбо.

**28. Қайси жавобда архаизмлар таърифи тўғри берилган?**
A) Шевага хос сўзлар.
B) Янгилик белгиси сезилиб турадиган сўзлар.
C) Маълум соҳага оид тушунчаларни англатувчи сўзлар.
D) Ҳозирги кунда мавжуд нарса-ҳодисаларнинг эскириб қолган атамалари.
E) Ҳозирги кунда йўқ нарса-ҳодисаларни билдирувчи сўзлар.

**29. Қайси қатордаги гапда жаргон сўз қўлланган?**
A) Шатранжнинг ватани Ҳиндистон эканлиги оламга аён-ку!
B) Қизга шайтон арава минишни ким қўйибди.
C) Қанақа ташвишни айтяпсиз, оқсоқол?
D) У ҳар балони эплайди, найрангдан шайтонга дарс беради.
E) Муллажиринг бўлмаса, ҳар қанақа мавсум ҳам бефайзу белутф кўринади.

**30. Қуйидаги гап қайси услубга хос?**
Кўмирнинг тўла ёниши натижасида карбонат ангидрид ҳосил бўлади, бунда углерод кислород билан оксидланади.
A) Бадиий услубга.
B) Сўзлашув услубига.
C) Публицистик услубга.
D) Илмий услубга.
E) Расмий услубга.

**31. Қайси гапда «мўйсафид» сўзини синоними билан алмаштириб бўлмайди?**
A) Чол ҳассага таяниб, секин-секин қадам ташлар эди.
B) Кексалар билан маслаҳатлашдим.
C) Нуроний чоллар давра тўрида.
D) Унинг оти анча қари эди.
E) Оқсоқолларни тўрга чиқардик.

**32. Қайси жавобда ўзбек тили услублари тўлиқ саналган?**
A) Оғзаки шакл ва ёзма шакл.
B) Расмий услуб, илмий услуб, бадиий услуб.
C) Китобий услуб, расмий услуб, бадиий услуб.
D) Сўзлашув услуби, илмий услуб, расмий услуб, публицистик (матбуот) услуби, бадиий услуб.
E) Сўзлашув услуби, бадиий услуб, илмий услуб.

**33. «Қишлоқ эрур бири муаллим талаб,**
**Қилғали таълим анга илму адаб».**
**Ушбу сатрлар муаллифи ким?**
A) Аваз Ўтар.
B) Атоий.
C) Саккокий.
D) Лутфий.
E) Навоий.

**34. «Муқбил ва Мудбир» ҳикояси Алишер Навоий «Хамса»сининг қайси достонига киради?**
A) Садди Искандарий.
B) Ҳайратул-аброр.
C) Фарҳод ва Ширин.
D) Лайли ва Мажнун.
E) Сабъаи сайёр.

**35. «Шаҳзода Ҳасан» достонининг муаллифи?**
A) Увайсий.
B) Турди Фароғий.
C) Бобораҳим Машраб.
D) Хўжаназар Ҳувайдо.
E) Шермуҳаммад Мунис.

**36. Бобур ижодида етакчи ўринни эгаллаган мавзу қайси жавобда қайд этилган?**
A) Ватанни қўмсаш, пок севгини улуғлаш.
B) Адолатни мадҳ этиш, зулмни қоралаш.
C) Маърифатпарварликни тарғиб этиш.
D) Одамларни дўстликка чақириш.
E) Порахўрлик, амалпарастликни қоралаш.

**37. «Бобохон тоғига қирқ кунлик пойгада ютиб чиққанга,**
**Ёй тортишса, ёйи синмай қолганга,**
**Минг қадамдан пул-тангани урганга,**
**Кураш қилиб тўқсон алпни йиққанга»**
шартлари халқ достонларининг қайси бирида ва ким томонидан қўйилган?
A) «Ҳасанхон» достонида Гўрўғли томонидан.
B) «Равшан» достонида Зулхумор томонидан;
C) «Малика Айёр» достонида Авазхон томонидан;
D) «Алпомиш» достонида Барчин томонидан;
E) «Далли» достонида Ҳасанхон томонидан;

**38. Алишер Навоийнинг туркий тил имкониятларини кўрсатишга бағишланган илмий асари қандай номланади?**
A) «Маҳбуб ул-қулуб».
B) «Лисон ут-тайр».
C) «Мажолис ун-нафоис».
D) «Мезон ул-авзон».
E) «Муҳокамат ул-луғатайн».

**39. Ушбу матн қайси усулда ёзилган?**
«Олам маъмурлиги алардин, алам аҳли масрурлиғи алардин. Ҳар қаён қилсалар ҳаракат, элга ҳам қут еткурур, ҳам баракат».
A) Эркин.
B) Сажъ.
C) Бармоқ.
D) Аруз.
E) Оқ шеър.

**40. А. Ориповнинг «Ишонч кўприклари» шеърида қандай ишонч назарда тутилган?**
A) келажакка ишонч.
B) севишганлар ўртасидаги ишонч.
C) дўстлар ўртасидаги ишонч.
D) одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат ва садоқатга ишонч.
E) қўшнилар ўртасидаги ишонч.

**41. Мемуар асар деб нимага айтилади?**
A) Қаҳрамоннинг саргузаштлари, орзу-ўйлари тасвирлаб ёзилган асар.
B) Аниқ фактлар ва реал воқеалар асосида ёзилган асар.
C) Панд-насиҳат тарзида ёзилган асар.
D) Ёзувчининг ҳаёт йўли, фаолияти тасвирлаб ёзилган асар.
E) Ёзувчининг ўзи иштирок этган, шоҳиди бўлган воқеалар эсдаликлар тарзида тасвирлаб ёзилган асар.

**42. Навоийнинг турмуш тажрибалари, ижтимоий-сиёсий, таълимий ва фалсафий қарашларини якунловчи 1500 йилда ёзган асарини аниқланг?**
A) «Лайли ва Мажнун»
B) «Маҳбуб ул-қулуб»
C) «Лисон ут-тайр»
D) «Садди Искандарий»
E) «Фарҳод ва Ширин»

**43. Навоийнинг 450 дан ортиқ ижодкор ҳақида маълумот берувчи асари қандай номланади?**
A) «Хазойин ул-маоний»
B) «Тарихи мулуки Ажам»
C) «Мезон ул-авзон»
D) «Маҳбуб ул-қулуб»
E) «Мажолис ун-нафоис»

**44. Бобур қаламига мансуб қуйидаги рубоийнинг ғояси жавобларнинг қайси бирида тўғри ифодаланган?**
Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур,
Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур.
A) ишқда вафодорликни улуғлаш.
B) донишмандликни тарғиб этиш.
C) ватанпарварликни улуғлаш.
D) ҳижрон азобларидан нолиш.
E) яхшилик, вафодорликни улуғлаш, ёмонликни қоралаш.

**45. Қайси таърифда маснавийга хос хусусиятлар ифодаланган?**
A) ўзаро қофияланувчи икки байтдан иборат шеър шакли.
B) икки мисрадан иборат ҳар қандай шеър.
C) ўзаро қофияланувчи ҳар қандай икки мисрали шеър.
D) а-а, б-а, в-а, г-а... тарзида қофияланувчи байтлардан ташкил топган шеър шакли.
E) нисбий тугал фикр англатувчи ва а-а, б-б, в-в, г-г тарзида қофияланувчи шеър шакли.

**46. Кундалик ҳаётда кенг қўлланиладиган халқ оғзаки ижоди жанрларини топинг.**
A) Қўшиқ, ғазал, топишмоқ.
B) Матал, йўқлов, топишмоқ.
C) Мақол, эртак, достон.
D) Тез айтиш, лапар, алла.
E) Эртак, латифа, достон.

**47. «Ҳотам Тойи» ҳикоятининг муаллифи ким?**
A) Юсуф Хос Хожиб.
B) Гулханий.
C) Халқ оғзаки ижоди.
D) А. Навоий.
E) А. Авлоний.

**48. »Саводи таълим» асарининг муаллифи ким?**
A) Мунис.
B) Авлоний.
C) Ҳамза.
D) Беҳбудий.
E) Огаҳий.

**49. Қайси қаторда туркий тиллар гуруҳига мансуб тиллар берилган?**
A) Араб, кушит, ханнат тиллари.
B) Чуваш, татар, қозоқ, туркман, уйғур, ўзбек тиллари.
C) Рус, украин, белорус, болгар тиллари.
D) Форс, тожик, ҳинд тиллари.
E) Инглиз, испан, голланд, немис тиллари.

**50. Фонетика тилшуносликнинг қайси томонларини ўрганувчи бўлим ҳисобланади?**
A) Нутқ товушларини ўрганувчи бўлим.
B) Сўзнинг маъноли қисмларини ўрганувчи бўлим.
C) Гап ва гап бўлаклари ҳақида баҳс этувчи бўлим.
D) Имло қоидалари ҳақидаги бўлим.
E) Сўз ясалиши ва унинг тузилишини ўрганувчи бўлим.

**51. Қайси қатордаги сўзлар фақат очиқ бўғиндан ташкил топган?**
A) Мактаб, фазо, қуёш.
B) Нодира, сўзла, соат.
C) Гулзор, олма, киши.
D) Лола, олтин, олча.
E) Озода, вазифа, қолади.

**52. Қайси сўзларга жўналиш келишиги қўшимчаси қўшилганда ўзак охиридаги ундош ўзгаради?**
A) Гўдак, этак.
B) Митинг, педагог.
C) Барг, тоғ.
D) Қишлоқ, курак.
E) Паст, қасд.

**53. Қайси қаторда сўзлар морфема (маъноли қисм)ларга нотўғри ажратилган?**
A) Одам+гарчилик, бур+а+ма.
B) Маълумот+ли, тер+им+чи+лик.
C) Уруғ+чилик, чорва+чилик.
D) Мўл+чи+лик, пиш+иқ+чи+лик.
E) Кўр+газ+ма, қайнат+ма+ни.

**54. Туб сўзлар берилган қаторни топинг.**
A) Одамгарчилик, қоровул, азамат.
B) Эртапишар, кўлқоп, ошпаз.
C) Ҳосил, қишлоқ, соатларни.
D) Олтинсой, кулги, ота-она.
E) Гаплаш, сана, жонлан.

**55. Келишик қўшимчалари вазифасига кўра қандай қўшимчалар қаторига киради?**
A) Янги маъно ҳосил қилувчи қўшимчалар.
B) Сўз ўзгартувчи қўшимчалар.
C) Сўз ясовчи қўшимчалар.
D) Шакл ясовчи қўшимчалар.
E) Тусловчи қўшимчалар.

**56. Қайси қўшимчалар сўз ўзгартувчи қўшимчалар ҳисобланади?**
A) Отларда кичрайтиш, эркалаш маъносини ифодаловчи қўшимчалар.
B) Кўплик қўшимчаси, феъл даражаларини ясовчи қўшимчалар.
C) Шахс оти ва жой номи ясовчи қўшимчалар.
D) Эгалик, келишик, шахс-сон қўшимчалари.
E) Феълнинг равишдош, сифатдош, ҳаракат номи шаклларини ясовчи қўшимчалар.

**57. Қайси қаторда фақат мустақил сўз туркумлари берилган?**
A) От, сифат, феъл, тақлид сўзлар.
B) Сифат, сон, олмош, феъл, равиш, от.
C) От, сифат, кўмакчи, феъл.
D) Сон, равиш, феъл, боғловчи, ундов.
E) Кўмакчи, боғловчи, юклама.

**58. Жамловчи отлар берилган қаторни топинг.**
A) Халқ, армия, тўда.
B) Китоб, уй, дарахт.
C) Гул, қалам, олма.
D) Бола, машина, нон.
E) Бургут, одам, тил.

**59. Қайси қаторда сифатнинг орттирма даражаси фонетик йўл билан ҳосил қилинган?**
A) Ғоятда кўркинчли, ниҳоятда ширин.
B) Энг баланд, энг кучли.
C) Жуда чиройли, жуда ақлли.
D) Қип-қизил, кўм-кўк.
E) Оқ сариқ, тўқ қизил.

**60. Ушбу гапда остига чизилган сўз маъносига кўра соннинг қайси турига мансуб?**
Бунақасини биринчи марта эшитяпман.
A) Жамловчи сон.
B) Миқдор сон.
C) Тартиб сон.
D) Саноқ сон.
E) Чама сон.

**61. Қайси гапда тасдиқ (бўлишлилик) маъноси ифодаланган?**
A) Йўқ, ҳали тушунганингизча йўқ.
B) Саволни эшитмай қолдим.
C) На кўкнинг фонари ўчмасдан, На юлдуз сайр этиб кўчмасдан.
D) Мардикор олган оқ подшоҳни йиқитмайин қўймайман
E) Бугун ёмғир ёғмади.

**62. Бир кун қарасам, дарчани бузаман деб болта кўтариб келаётибди.**
**Ушбу гапда қайси замон ифодаланган?**
A) Ўтган замон.
B) Ҳозирги замон.
C) Замони ноаниқ.
D) Ҳозирги-келаси замон.
E) Келаси замон.

**63. Қайси қаторда ёрдамчи (кўмакчи) феъл ишлатилган?**
A) Ўқиш-улғайиш.
B) Тоғдан муздай шабада эсади.
C) Мен Риза акани танир эдим.
D) Жўрабой ака мийиғида кулиб, бош чайқади.
E) Бу китобни ўқиб чиқдим.

**64. Қайси жавобда юклама ишлатилган?**
A) Футбол-чи, футбол нима бўлади?
B) Мактабимиз ўқитувчи ва ўқувчилари ўқув йилини яхши якунладилар.
C) Унинг тинчи бузилди.
D) Кечага машҳур қўшиқчилар таклиф қилинди.
E) Салимнинг акаси яхши футболчи.

**65. Образга (тасвирга) тақлид сўзлар қайси қаторда берилган?**
A) Дукур-дукур, ғир-ғир.
B) Ялт-ялт, лип-лип, йилт-йилт
C) Дук-дук, ғув-ғув.
D) Тарақ-туруқ, тақ-тақ.
E) Гумбур-гумбур, қарс-қурс.

**66. Қайси қатордаги хусусият сўз бирикмасига хос эмас?**
A) Сўз бирикмаси тугалланган оҳангга эга бўлмайди.
B) Бирикма таркибидаги сўзлар мустақил сўзлар билан ифодаланади.
C) Сўз бирикмасида эргаш сўз бош сўздан олдин келади.
D) Сўз бирикмаси биргина сўздан ҳам иборат бўлиши мумкин.
E) Сўз бирикмасида сўзлар маъно ва грамматик жиҳатдан боғланган бўлади.

**67. Қайси қаторда риторик сўроқ гап берилган?**
A) Онани ким севмайди?
B) Синфингизда нечта ўқувчи бор?
C) Нимадан хафасиз? Ким хафа қилди?
D) Шу ерда уни кутмаймизми?
E) Энди орқага йўл йўқ. Олдинга-чи?

**68. Гаплар тузилишига кўра қандай турларга бўлинади?**
A) Кўчирма гап; ўзлаштирма гап.
B) Икки бош бўлакли гап; бир бош бўлакли гап.
C) Содда йиғиқ гап; содда ёйиқ гап.
D) Боғланган қўшма гап; эргашган қўшма гап.
E) Содда гап; қўшма гап.

**69. Қуйидаги гап қайси қаторда гап бўлаклари бўйича тўғри таҳлил қилинган?**
Уй ичи сув қуйгандек жим.
A) Уй ичи-ҳол; сув қуйгандек-аниқловчи; жим-кесим.
B) Уй ичи-эга; сув қуйгандек-ҳол; жим-кесим.
C) Уй-эга; жим-кесим; ичи-ҳол; сув-тўлдирувчи; қуйгандек-ҳол.
D) Уй-эга; жим-кесим; ичи-ҳол; сув қуйгандек-ҳол.
E) Уй-аниқловчи; ичи-эга; сув-тўлдирувчи; қуйгандек-ҳол; жим-кесим.

**70. Катта арава қаёққа юрса, кичик арава ҳам шу ёққа юради.**
**Ушбу гап эргашган қўшма гапнинг қайси турига мансуб?**
A) Эга эргаш гап.
B) Кесим эргаш гап.
C) Ўрин эргаш гап.
D) Аниқловчи эргаш гап.
E) Пайт эргаш гап.

**71. Қайси қаторда боғловчисиз қўшма гап берилган?**
A) Нимаики қилсанг тилак, барига ўқиш керак.
B) Бой борича, йўқ ҳолича.
C) Қаландаров бир нима деб дўнғиллаб ерга қаради ва бурнининг учи терлан йилтиради.
D) На кундузи оромим бор, на уйқуда ҳаловат.
E) Қайси нарса кўзига кўринса, ўша уни қизиқтиради.

**72. Қуйидаги гап боғланган қўшма гапнинг қайси турига мансуб? Тонг ҳали ёришмаган, лекин осмонда юлдузлар анча сийраклашган эди.**
A) Эргашган қўшма гап.
B) Бириктирувчи боғловчили боғланган қўшма гап.
C) Зидловчи боғловчили боғланган қўшма гап.
D) Айирувчи боғловчили боғланган қўшма гап.
E) Инкор боғловчили боғланган қўшма гап.

**73. Тиниш белгиларининг ишлатилиш қоидалари тилшуносликнинг қайси бўлимида ўрганилади?**
A) Услубшуносликда.
B) Пунктуацияда.
C) Синтаксисда.
D) Морфологияда.
E) Фонетикада.

**74. Қайси гапда фразеологик бирлик (ибора) қўлланмаган?**
A) Бу масалани овозга қўйиши керак.
B) Уни тўғри йўлга солиш керак.
C) Бу иш унга жуда қўл келди.
D) Калтакнинг зарбидан боши шишди.
E) Нима қилишини билмай боши шишди.

**75. Атама (термин)лар берилган қаторни топинг.**
A) Қариндошлик, илғор, сарлавҳа.
B) Нарвон, шоти, занги.
C) Ўлпон, ботмон, кулоҳ.
D) Ўмиз, фирқа, улус.
E) Куб, квадрат, интеграл.

**76. Қандай сўзлар тарихий сўзлар деб юритилади?**
A) Янгилик бўёғини йўқотган сўзлар.
B) Ҳозирги кунда йўқ нарса-ҳодисаларни билдирувчи тарихга оид сўзлар.
C) Фаол ишлатилмайдиган сўзлар.
D) Ҳозирда мавжуд нарса-ҳодисаларнинг эскириб қолган атамалари.
E) Тарих фанига оид терминлар.

**77. Қандай сўзларнинг қўлланиш доираси чегараланган бўлади?**
A) Шевага оид сўзлар, атамалар, жаргонлар.
B) Омонимлар, синонимлар.
C) Атамалар, бир маъноли сўзлар.
D) Кўп маъноли сўзлар, антонимлар.
E) Тарихий сўзлар, синонимлар, шевага оид сўзлар.

**78. Ариза қайси услубда ёзилади?**
A) Сўзлашув услубида.
B) Бадиий услубда.
C) Публицистик услубда.
D) Илмий услубда.
E) Расмий услубда.

**79. Қайси қаторда «юпқа» сўзининг антоними ишлатилган?**
A) Совғани қалин қоғозга ўраб, уй томон шошилдим.
B) Салим билан Валижон қалин ўртоқ.
C) Унинг сочлари жуда қалин эди.
D) Сорахон учун қуда томондан катта қалин пули сўралди.
E) Кенжаботир қалин тўқайзорни кесиб ўтиши керак.

**80. Қайси қаторда адабий тилга тўғри таъриф берилган?**
A) Имло қоидалари асосида ёзилган матнга асосланган тил.
B) Бадиий асарлар тили адабий тил ҳисобланади.
C) Барча шеваларнинг мажмуаси — адабий тил.
D) Эски ўзбек тили адабий тил деб юритилади.
E) Умумхалқ тилининг ишланган, сайқал берилган, маълум нормага солинган шакли.

**81. «Кампир тонг қоронғусида хамир қоргани туриб, ҳўкизидан хабар олди. О!.. Ҳўкиз йўқ...»**
А. Қаҳҳорнинг қайси ҳикояси шундай сўзлар билан бошланади?
A) «Анор».
B) «Ўғри».
C) «Асрор бобо».
D) «Бемор».
E) «Мастон».

**82. А. Мухторнинг қайси бир асари тарихий — инқилобий мавзуда ёзилган?**
A) «Давр менинг тақдиримда».
B) «Опа — сингиллар».
C) «Чинор».
D) «Бўронларда бордек ҳаловат».
E) «Бухоронинг жин кўчалари».

**83. Қуйидаги мисралар лирик шеъриятнинг қайси турига мансуб?**
«Қадимни фироқ меҳнати ё қилди,
Кўнглум ғаму андуҳ ўтиға ёқилди.
Ҳолимни сабоға айтиб эрдим, эй гул,
Билмон санга шарҳ қилмади, ё қилди».
A) Қитъа.
B) Рубоий.
C) Туюқ.
D) Фард.
E) Ғазал.

**84. А. Қодирийнинг илк ҳикоялари қандай номланади?**
A) «Абул Файзхон».
B) «Тошпўлат тажанг нима дейди?»
C) «Калвак махзумнинг хотира дафтаридан».
D) «Улоқда», «Жинлар базми».
E) «Жувонбоз».

**85. Э. Воҳидовнинг «Руҳлар исёни» достонидаги бош ғоя қайси жавобда тўғри кўрсатилган?**
A) ҳинд ва мусулмонларни тинч-тотув яшашга даъват этиш.
B) ватанпарварлик, эркпарварлик, мустақиллик, тинч-тотув яшаш учун кураш.
C) диний низоларни бартараф этиш.
D) халқнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш.
E) маърифатпарварлик.

**86. Қайси жавобда «Алпомиш» достонида учрайдиган исм қайд этилган?**
A) Муродхон.
B) Айнақ.
C) Ойсулув.
D) Холбека.
E) Тавка ойим.

**87. «Падаркуш» драмасини ким ёзган ва унинг мавзуси нима?**
A) Элбек, инқилобга чорлаш.
B) Ҳамза, эрксизликни фош этиш.
C) Фитрат, саргузашт асар.
D) Чўлпон, соф севгини улуғлаш.
E) Беҳбудий, маърифатга ундаш.

**88. Қуйидаги жавоблардан қайси бирида бадиий конфликтга хос хусусиятлар тўғри кўрсатилган?**
A) асар воқеаларининг баёни.
B) асарнинг бошланиш нуқтаси.
C) асарнинг хотимаси.
D) асар воқеаларининг ривожланган нуқтаси.
E) асар воқеалари асосида ётувчи зиддиятлар.

**89. Туркий адабиётдаги илк бадиий достоннинг номи ва унинг муаллифи?**
A) «Хисрав ва Ширин», Қутб Хоразмий.
B) «Девону луғотит турк», Маҳмуд Кошғарий.
C) «Ҳиббат ул-ҳақойиқ», Аҳмад Югнакий.
D) «Хамса» Алишер Навоий.
E) «Қутадғу билиг», Юсуф Хос Ҳожиб.

**90. Омоним сўзлар қофиясига асосланган шеърий жанр нима деб аталади?**
A) фард.
B) қитъа.
C) мураббаъ.
D) туюқ.
E) рубоий.

**91. «Ҳайрат ул-аброр» қандай мазмундаги достон?**
A) фожиавий.
B) ишқий — саргузашт.
C) тарихий — мемуар.
D) ишқий — қаҳрамонлик.
E) фалсафий — таълимий.

**92. Ўктам ва Комила образларини қайси ёзувчи, қайси асарида яратган?**
A) Уйғун, «Бригадир Карим».
B) Ҳ. Олимжон, «Ўзбекистон»,
C) М. Шайхзода, «Тошкентнома».
D) А. Қаҳҳор, «Синчалак».
E) Ойбек, «Олтин водийдан шабадалар».

**93. Қайси жавобда ташбеҳ ҳақида тўғри маълумот берилган?**
A) Бадиий адабиётда бирон нарсани шубҳага олиш ташбеҳ дейилади.
B) Бадиий адабиётдаги ўхшатиш санъати ташбеҳ дейилади.
C) Аруз вазнида ёзилган ёр ва диёр ҳақидаги асар ташбеҳ дейилади.
D) Бадиий адабиётда билиб билмасликка олиш санъати ташбеҳ дейилади.
E) Сўз санъатида омоним сўзларнинг қўлланиши ташбеҳ дейилади.

**94. Қофияли наср қандай номланади?**
A) Сажъ.
B) Аруз.
C) Бармоқ.
D) Эркин.
E) Сарбаст.

**95. Қуйидаги рубоийнинг мавзуси нима?**
Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш,
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулға тикондек ошён бўлмас эмиш.
A) Ахлоқий-тарбиявий мавзуда.
B) Дўстлик ва муҳаббат мавзусида.
C) Ватанпарварлик, эркни улуғлаш.
D) Ҳаётни улуғлаш, умрнинг қадрига етиш.
E) Ижтимоий-сиёсий мавзуда.

**96. «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарининг муаллифи ким ва у қандай характердаги асар?**
A) Фитрат. Инқилобий роман.
B) Ҳамза. Ишқий драма.
C) Беҳбудий. Тарихий асар.
D) А. Авлоний. Ахлоқий-таълимий асар.
E) Чўлпон. Мемуар асар.

**97. Ўзбек тили Ўзбекистон Республикасининг давлат тили эканлиги ҳақидаги қонун қачон қабул қилинган?**
A) 1989 йил 21 октябрда.
B) 1991 йил 31 августда.
C) 1991 йил 5 декабрда.
D) 1993 йил 2 сентябрда.

# ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртларига кирувчилар учун тест савол-жаволари**

E) 1988 йил 7 октябрда.

**98. Қайси қатор алфавит тартибига риоя қилиб ёзилган?**
A) к,с,о,п,р,т
B) ф,х,у,ғ,э,л
C) ж,з,и,й,к,л
D) ш,э,х,ю,я,е
E) в,г,д,л,и,й

**99. Овоз ёки шовқиннинг иштирок этиш даражасига кўра нутқ товушларининг турлари қайси қаторда берилган?**
A) Унли ва ундош товушлар.
B) Лабланган ва лабланмаган товушлар.
C) Бурун товушлари ва бўғиз товушлари.
D) Ён товушлар ва титроқ товушлар.
E) Нутқ товушлари ва физик товушлар.

**100. Қайси қатордаги сўзларда бўғин кўчириш қоидаси бузилган?**
A) Телеви-зор, отанг-из, ака-си.
B) Тинчи-моқ, им-тиҳон, си-нов.
C) Он-ги, матба-а, меш-чан.
D) маъ-но, физкуль-тура, жа-моа.
E) Мак-таб, ав-лиё, ўйи-ни.

**101. Асалари, эрксевар сўзлари сўз ясалишининг қайси усули билан ясалган?**
A) Сўзларни ўзаро қўшиб сўз ясаш билан.
B) Сўзни кўчма маънода қўллаш билан.
C) Сўзларни қисқартиб сўз ясаш билан.
D) Янги сўз ясалмаган.
E) Қўшимчалар қўшиб сўз ясаш билан.

**102. «Мактабда ўқиш» бирикмасидаги-да қўшимчаси вазифасига кўра қандай қўшимчалар туркумига мансуб?**
A) Шакл ясовчи.
B) Сўз ясовчи.
C) Эгалик қўшимчаси.
D) Шахс-сон қўшимчаси.
E) Сўз ўзгартирувчи.

**103. Қайси қаторда морфемага тўғри таъриф берилган?**
A) Морфологик кўрсаткичлар.
B) Сўзнинг бўғинлари.
C) Сўзнинг бўлинмас энг кичик маъноли қисми.
D) Грамматик маъно ҳосил қилувчи қўшимчалар.
E) Энг кичик нутқ товушлари.

**104. Қайси қаторда-сиз қўшимчаси сўз ўзгартувчи вазифасида қўлланган?**
A) Одобни одобсиздан ўрган.
B) У бу янгилик ҳақида тамоман хабарсиз эди.
C) Улар шу атрофдаги кўримсиз бир уйга яширинишди.
D) Сиз буюк ишларга қодирсиз.
E) Сувсиз ҳаёт бўлмайди.

**105. Бир турдаги предметнинг бирини ёки шу турдаги предметларнинг умумий номини билдиришга кўра отлар қандай таснифланади?**
A) Турдош отлар, атоқли отлар.
B) Якка отлар, жамловчи отлар.
C) Киши отлари, нарса отлари.
D) Саналадиган отлар, саналмайдиган отлар.
E) Мавҳум отлар, аниқ отлар.

**106.Қайси қаторда сифат отлашган?**
A) Яхши ният—ярим мол.
B) У яхши ўқийди.
C) Унинг зеҳни жуда ўткир.
D) Салим жуда ишчан йигит.
E) Яхши топиб гапирар, ёмон қопиб гапирар.

**107. Чама сонлар берилган қаторни топинг.**
A) Юзтача, минглаб.
B) Учов, бешовлон.
C) Бештадан, ўнта-ўнтадан.
D) Биринчи, учинчи, йигирма бешинчи.
E) Ўнта, ўн бешта.

**108. Мустақил сўз туркумларидан қайсилари сўз ясалиш хусусиятига эга эмас?**
A) Сифат, равиш.
B) Феъл.
C) Сон, олмош.
D) Барча мустақил сўз туркумлари сўз ясалиш хусусиятига эга.
E) От.

**109. Гапдаги сўзларнинг ўзаро боғланиш йўллари тилшуносликнинг қайси бўлимида ўрганилади?**
A) Морфологияда.
B) Лексикологияда.
C) Орфографияда.
D) Стилистикада.
E) Синтаксисда.

**110. Қайси қаторда сўз бирикмаси берилган?**
A) Укам учун.
B) Қалам билан.
C) Эрта баҳор.
D) Имзо чекмоқ.
E) Мен ўқидим.

**111. Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари кўрсатилган қаторни топинг.**
A) Эга, кесим.
B) Гапдаги барча мустақил сўз туркумларига оид сўзлар.
C) Гапдаги ёрдамчи сўз туркумларига оид сўзлар.
D) Аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол.
E) Ундалма, кириш сўз.

**112. Жуман писмиқ Соли совуқнинг ўғлига шивирлаб гапирди.**
**Ушбу гапдаги аниқловчилар қайси қаторда тўғри берилган?**
A) Писмиқ; совуқнинг.
B) Соли совуқнинг.
C) Совуқнинг.
D) Шивирлаб.
E) Писмиқ; совуқнинг; шивирлаб.

**113. Қандай гаплар бир бош бўлакли (бир составли) гаплар деб юритилади?**
A) Барча содда гаплар.
B) Содда йиғиқ гаплар.
C) Содда ёйиқ гаплар.
D) Ё эгаси, ё кесими мавжуд бўлмаган содда гаплар.
E) Фақат бош бўлаклардан иборат бўлган гаплар.

**114. Изоҳловчи қўлланган гап қайси қаторда берилган?**
A) Кечқурун Қобил бобо Аминнинг олдига борадиган бўлди.
B) Анварнинг овози пасайди.
C) Яхши ўғил отадан улуғ.
D) Яхшининг шарофати тегар ҳар ерда, ёмоннинг касофати тегар тор ерда.
E) Боболаримиз бизга ҳадя этган ёдгорликларни асрайлик!

**115. Биз бу ишни, сўзсиз, бажарамиз.**
**Ушбу гапда кириш сўз вазифасини қайси сўз бажармоқда?**
A) Бу.
B) Ишни.
C) Сўзсиз.
D) Бажарамиз.
E) Биз.

**116. Жавобларнинг қайси бирида қўшма гап берилган?**
A) Дам жаҳлим чиқади, дам кулгим келади.
B) Йўлчи меҳмонлардан узоқда, қўрғон ичидан оқиб чиқаётган ариқ лабида, дарахтга суяниб чўққайди.
C) У отнинг жиловини Ортиққа бериб, хирмон томонга кетди.
D) Ҳозир унинг кўкси гоҳ оғритувчи, гоҳ юпантирувчи кечинмалар билан тўла эди.
E) Онанинг ҳорғин нигоҳида гоҳ хушнудликни, гоҳ қайғу-аламни кўриш мумкин эди.

**117. Кимнинг билими кучли бўлса, унинг мулоҳазалари ҳам чуқур бўлади.**
**Ушбу гап эргашган қўшма гапнинг қайси турига мансуб?**
A) Пайт эргаш гап.
B) Аниқловчи эргаш гап.
C) Мақсад эргаш гап.
D) Сабаб эргаш гап.
E) Эга эргаш гап.

**118. Қуйидаги гап қўшма гапнинг қайси турига мансуб?**
Сени иш енгмасин, сен ишни енг.
A) Боғловчисиз қўшма гап.
B) Эргашган қўшма гап.
C) Содда ёйиқ гап.
D) Эга эргаш гапли қўшма гап.
E) Боғланган қўшма гап.

**119. Қайси қаторда тўлиқсиз гапнинг таърифи тўғри берилган?**
A) Иккинчи даражали бўлаклари мавжуд бўлмаган гап.
B) Грамматик тузилиши жиҳатдан тўлиқ бўлмаган, яъни нутқ мақсади учун талаб қилинган зарур гап бўлакларидан бири ёки бир нечтаси услуб талабига кўра иштирок этмайдиган гап.
C) Кесими феъл билан ифодаланиб, мазмунан учала шахсга қаратилган бир таркибли гаплар.
D) Эга қатнашмайдиган, феъл-кесим бажарувчи шахсни аниқ ифодалайдиган гап.
E) Мустақил маъносини тамомила йўқотган **эди, экан, эмиш** каби тўлиқсиз феъллар иштирок этган гаплар.

**120. Уюшиқ бўлакли гапларда умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлаклардан олдин келса, ундан кейин қандай тиниш белгиси қўйилади?**
A) Нуқтали вергул қўйилади.
B) Икки нуқта қўйилади.
C) Тире қўйилади.
D) Ҳеч қандай тиниш белгиси қўйилмайди.
E) Вергул қўйилади.

**121. Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари қайси қаторда тўғри берилган?**
A) Бош маъноли ва кўчма маъноли сўзлар.
B) Омоним, антоним, синоним сўзлар.
C) Замонавий сўзлар, эски сўзлар, янги сўзлар.
D) Тарихий ва архаик сўзлар.
E) Бир маъноли ва кўп маъноли сўзлар.

**122. Қайси қаторда «хурсанд» сўзининг синоними ибора (фразеологик бирлик) орқали ифодаланган?**
A) Бу хабарни эшитиб, Салимнинг тепа сочи тикка бўлди.
B) Уйдан оғзи қулоғига етиб, Лолахон отилиб чиқди.
C) Бировнинг дилини сиёҳ қилмай юрадиган кун ҳам келармикин?
D) Оёғидаги туфлисининг оҳори тўкилиброқ қолган эди.
E) Уларнинг ҳаракатидан кўз-қулоқ бўлиб туринг.

**123. Навоий асарларида қўлланилган: жайб (ёқа, чўнтак), илк (қўл), кисва (кийим) каби сўзлар тилшуносликда бугунги кунда қандай сўзлар ҳисобланади?**
A) Архаизмлар.
B) Янги сўзлар.
C) Диалектал сўзлар.
D) Атамалар.
E) Тарихий сўзлар.

**124. Янги сўзлар (неологизмлар) берилган қаторни топинг.**
A) Фонема, урғу, орфография.
B) Машина, актёр, космос.
C) Камолот, иқбол, атом.
D) Маклер, ишбилармон, менежмент.
E) Будун, битик, кашшоф.

**125. Маълумотнома қайси услубда ёзилади?**
A) Илмий услубда.
B) Расмий услубда.
C) Публицистик услубда.
D) Бадиий услубда.
E) Сўзлашув услубида.

**126. Қайси жавобда «олтин» сўзи кўчма маънода қўлланган?**
A) Олтин қазиб олиш янада кўпайди.
B) «Олтин зангламас» асарини ўқиб чиқдим.
C) Олтин халқаро пул бирлигидир.
D) Бу олтин тангалар XV асрларда чиқарилган экан.
E) Олтин куз фасли ҳам тугади.

**127. Сўзларнинг бўёққа эга бўлиши ва бўлмаслигига кўра турлари қайси қаторда берилган?**
A) Бўёқдор сўзлар ва кўчма маъноли сўзлар.
B) Бетараф сўзлар ва бўёқдор сўзлар.
C) Салбий ва ижобий бўёққа эга бўлган сўзлар.
D) Кўчма маъноли сўзлар ва бетараф сўзлар.
E) Кўп маъноли ва бир маъноли сўзлар.

**128. Она халқим, жон-таним маним,**
**Ўзбекистон, Ватаним маним!**
Ушбу шеърий парчада кишилик олмошларига қўшилган қўшимча қайси келишик ўрнида қўлланган?
A) Қаратқич келишиги.
B) Тушум келишиги.
C) Жўналиш келишиги.
D) Ўрин-пайт келишиги.
E) Чиқиш келишиги.

**129. Қуйидаги жавоблардан қайси бирида ғазал мақтаъси ҳақида тўғри маълумот берилган?**
A) Ғазалда умуман мақтаъ бўлмайди.
B) Ғазалнинг биринчи байти.
C) Ғазалнинг ҳар бир байти.
D) Ғазалнинг иккинчи байти.
E) Ғазал сўнгида шоир тахаллуси келтириладиган байт.

**130. «Гўзал», «Бузилган ўлкага», «Кеча ва кундуз» асарлари муаллифини кўрсатинг.**
A) Чўлпон.
B) Миртемир.
C) Усмон Носир.
D) Зулфия.
E) Фитрат.

**131. «Ҳайдар, ота-онанг ўлибдир,**
**Моли сенга қолибдир,**
**Боланг сувга оқибдир,**
**Шамолингни қўйворивор»**
сатрлари халқ лирикасининг қайси мавзуига тааллуқли?
A) ҳажвий лирика.
B) ишқий лирика.
C) маиший лирика.
D) мотам лирикаси.
E) мавсум-маросим лирикаси.

**132. Хўжа ва Ҳакимжон образлари Муқимийнинг қайси ҳажвиясида келтирилган?**
A) «Танобчилар».
B) «Москвачи бой таърифида».
C) «Ҳажви Викторбой».
D) «Саёҳатнома».
E) «Авлиё».

**133. Қайси ёзувчининг қайси асарида Абу Райҳон Беруний нинг ҳаёти акс эттирилган?**
A) А. Қодирий, «Меҳробдан чаён»
B) Мирмуҳсин, «Меъмор».
C) П. Қодиров, «Юлдузли тунлар»
D) А. Қаҳҳор, «Сароб»
E) О. Ёқубов, «Кўҳна дунё»

**134. «Бурунги сайловлар» драмаси муаллифини белгиланг.**
A) Чўлпон.
B) Беҳбудий.
C) Абдулла Қодирий.
D) Фитрат.
E) Ҳамза.

**135. «Бобурнома»даги бу тасвир қайси тарихий шахсга тааллуқли?**
«Шаклу шамойили: қийиқ кўзлук, шер андом бўйлуқ киши эди. Белидин қуйи инчка эди»
Луғат: шамойил-кўриниш, андом-қомат, инчка-ингичка.
A) Амир Темур.
B) Умаршайх Мирзо.
C) Ҳусайн Бойқаро.
D) Шайбонийхон.
E) Улуғбек Мирзо.

**136. «Дўстлар, яхшиларни авайлаб сақланг!**
**«Салом» деган сўзнинг салмоғин оқланг!**
**Ўлганда юз соат йиғлаб тургандан**
**Уни тиригида бир соат йўқланг!**
**Ушбу машҳур сатрлар қайси шоир қаламига мансуб?**
A) Миртемир.
B) Ғафур Ғулом.
C) Ойбек.
D) Ҳамид Олимжон.
E) Мақсуд Шайхзода.

**137. Ҳар банди олти мисрадан иборат бўлиб, а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-а-а, в-в-в-в-а-а ва ҳ.к. тарзда қофияланувчи шеърий шакл?**
A) Муфрадот.
B) Мурабба.
C) Мусаддас.
D) Мустазод.
E) Мухаммас.

**138. «Йиғла, Туркистон» шеърининг муаллифи ким?**
A) Сўфизода.
B) Чўлпон.
C) Элбек.
D) Ҳамза.
E) Боту.

**139. Қувонч шулким, толе ёр бўлиб,**
**Бахтни топган элни кўролдим.**
**Асрларнинг қайғусин қарғаб,**
**Шодлик ва бахт куйини чалдим.**
**Ушбу мисралар кимнинг қайси шеъридан олинган?**
A) Э. Воҳидов, «Бахт».
B) Ғ. Ғулом, «Соғиниш».
C) Ойбек, «Ўзбекистон».
D) Ҳ. Олимжон, «Бахт тўғрисида».
E) А. Орипов, «Мен нечун севаман Ўзбекистонни».

**140. Бобур мумтоз лириканинг қайси жанрида Алишер Навоий даражасида ижод қилди?**
A) Қитъа.
B) Рубоий.
C) Ғазал.
D) Мухаммас.
E) Туюқ.

**141. Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт» драмасида илгари сурилган бош ғоя қайси жавобда берилган?**
A) Фақирликдан фахрланиш.
B) Маърифатпарварлик.
C) Диний эътиқод.
D) Меҳнатсеварлик.
E) Шахс эрки.

**142. Эрксизлик ва ночорлик ғояси акс эттирилган асарни белгиланг.**
A) Шер билан Дуррож.
B) Кабутар ҳақида ҳикоят.
C) Тошбақа ва чаён.
D) Маймун билан нажжор.
E) Туя билан бўталоқ.

**143. «Алишер Навоий» бадиий фильмида Навоий сиймосини ким ижро этган?**
A) Т. Тожиев.
B) О. Хўжаев.
C) Р. Ҳамроев.
D) Ё. Аҳмедов.
E) О. Юнусов.

**144. «Табассум қилсангиз шаккар уёлур,**
**Тишинг инжусидин гавҳар уёлур»,—**
**мисралари қайси асардан олинган?**
A) «Муҳаббатнома» дан
B) «Лайли ва Мажнун» дан
C) «Хисрав ва Ширин» дан
D) «Фарҳод ва Ширин» дан
E) «Гул ва Наврўз» дан

**145. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтиш тўлиқ тугалланадиган йил қайси жавобда берилган?**
A) 2000 йил 1 сентябрда.
B) 1994 йил 1 сентябрда.
C) 1995 йил 1 сентябрда.
D) 1996 йил 1 сентябрда.
E) 1998 йил 1 сентябрда.

**146. Сўз бўғинларидан бирининг бошқаларига нисбатан кучлироқ оҳанг билан айтилиши қандай урғу дейилади?**
A) Маъно урғуси.
B) Гап урғуси.
C) Жумла урғуси.
D) Сўз урғуси.
E) Логик урғу.

**147. Қайси қаторда адабий тилнинг фақат ёзма шаклига хос бўлган бирликлар берилган?**
A) Сўз, сўз бирикмаси.
B) Товуш, ибора.
C) Ҳарф, тиниш белгилари.
D) Сўз, гап.
E) Имо-ишора, товуш, сўз.

**148. Қайси қатордаги сўзлар имло қоидаларига зид ҳолда ёзилган?**
A) Қувурлар, уйқу, кутилмаган.
B) Қовун, совун, совуқ.
C) Учқун, бутун, тутун.
D) Тушинди, увулламоқ, қутилиш.
E) Қузғун, улгурмоқ, тумшуғи.

**149. Қайси қаторда қўшимчалар қўшиб сўз ясаш усули билан ясалган сўзлар берилган?**
A) Қишда, гулзор, бегоналарни.
B) Нотинч, бедаво, атиргул.
C) Кулимсирамоқ, бегона, касал.
D) Қораймоқ, ишёқмас, ранг.
E) Бемаза, кескир, ёзги.

**150. Грамматик кўпликни ифодаловчи-лар қўшимчаси вазифасига кўра қандай қўшимчалар туркумига мансуб?**
A) Бир сўз туркумидан иккинчи сўз туркумини ясовчи.
B) Сўз ясовчи.
C) Шакл ясовчи.
D) Сўз ўзгартувчи.
E) Юклама-қўшимча.

**151. От туркумига хос грамматик кўрсаткич (категория)лар қайси жавобда берилган?**
A) От туркумида грамматик кўрсаткичлар мавжуд эмас.
B) Майл, замон, нисбат, шахс-сон.
C) Бўлишли ва бўлишсизлик.
D) Келишик, сон, эгалик.
E) Даража, нисбат.

**152. Қайси қатордаги сўзларда-сиз ва бе-қўшимчаларини синоним сифатида ишлатиб бўлмайди?**
A) Бефаросат, тинимсиз.
B) Гуноҳсиз, бешафқат.
C) Бераҳм, аёвсиз.
D) Берухсат, ҳисобсиз.
E) Кучсиз, бевақт.

**153. Қайси қаторда ҳисоб сўзлар (нумеративлар) берилган?**
A) Минглаб, мингларча.
B) Бештадан, учовлон, юзтача.
C) Учдан бири, яримта, нимчорак.
D) Бир, икки, уч, тўрт.
E) Гектар, таноб, бир қоп.

**154. Ўзлик нисбат шаклидаги феъл иштирок этган гап қайси қаторда берилган?**
A) Мажлис соат учга белгиланди.
B) Қишга сақланадиган узумлар шипга осилди.
C) Тешабой эшакка тескари миндирилиб, сазойи қилинди.
D) Салимжон эркаланиб, отасининг елкасига осилди.
E) Меҳмонларга овқат тайёрланди.

**155. Қайси қатордаги гапда равишдош иштирок этган?**
A) Бемор отамни кўргани касалхонага бордим.
B) Кўрганни эшитган енгди.
C) Яхши кўрганимни биласиз-да!
D) Мен гулхан атрофида ўтирганларни йилқи боқувчилар деб янглишган эканман.
E) Ўз ваъдамдан қайтадиган одатим йўқ.

**156. Ўзбек тилидаги сўз туркумларининг сони қайси қаторда тўғри берилган?**
A) 12 та.
B) 6 та.
C) 8 та.
D) 9 та.
E) 10 та.

**157. Гап бўлаги вазифасида кела олмайдиган сўз туркумлари қайси қаторда берилган?**
A) Мустақил сўз туркумлари.
B) От, олмош, равиш.
C) Боғловчи, юклама, кўмакчи.
D) Феъл.
E) Сон, сифат.

**158. Ҳосил олдик бирикмаси тобе боғланишнинг қайси турига мансуб?**
A) Тобе боғланишга мансуб эмас
B) Мослашув.
C) Бошқарув.
D) Битишув.
E) Тенг боғланиш.

**159. Қуйидаги гапда ҳолнинг маъно ва вазифасига кўра қайси тури ифодаланган?**
Улар кулиб-кулиб гапиришди.
A) Равиш ҳоли.
B) Пайт ҳоли.
C) Мақсад ҳоли.
D) Сабаб ҳоли.
E) Даража-миқдор ҳоли.

**160. Қайси қаторда содда йиғиқ гап берилган?**
A) Қолган ишга қор ёғар.
B) Мен бугун келдим.
C) Қаламда ёздим.
D) Қовун, тарвуз, узум пишди.
E) Оромгоҳ ҳавоси салқин.

**161. Бир бош бўлакли (бир таркибли) гап берилган қаторни топинг.**
A) Болалар ҳадеб кулишарди.
B) Ўқишларим битгунга қадар, деярли ҳар кун уларнинг уйига борардим.
C) Баҳор келди.
D) Баҳор бу йил эрта келди.
E) Аваз унга умид билан қаради.

**162. Қўшни ҳовлидан чақалоқнинг инга-ингаси эшитилиб турарди. Ушбу гапда эга қайси сўз туркуми билан ифодаланган?**
A) Модал сўз билан.
B) От билан.
C) Олмош билан.
D) Сифат билан.
E) Тақлидий сўз билан.

**163. Қуйидаги гапда қандай бўлак уюшган?**
Ёзувчилар, композиторлар, рассомлар, турмушни чуқур ўрганингиз!
A) Ундалма уюшган.
B) Эга уюшган.
C) Аниқловчи уюшган.
D) Тўлдирувчи уюшган.
E) Ҳол уюшган.

**164. Қайси қаторда қўшма гап берилган?**
A) Тарам-тарам олмаларни, асл нашватиларни, пўсти юпқа луччак шафтолиларни айтмайсизми.
B) Ўлмас на домладан, на унинг хотинларидан ширин сўз эшитар эди.
C) У суҳбатни на тинглади, на ёзди.
D) Тунов куни, йигитлар даштга кетаётганларида, Гулчеҳра уни уйларига бошлаб борди.
E) Ундан на хат бор, на хабар.

**165. Қайси қаторда эга эргаш гапли қўшма гап берилган?**
A) Кўпчилик қаерда бўлса, сен ҳам шу ерда бўл.
B) Кимки бировга чуқур қазиса, унга ўзи йиқилади.
C) Ер ўрик эмаски, ўзи гуллаб, ўзи пишса.
D) Шундай кишилар борки, кўриб ҳавасинг келади.
E) Сиз ўқирсиз деб, мен бу китобни олдим.

**166. Қуйидаги гап қўшма гапнинг қайси турига мансуб?**
Офтоб сўнди-ю, уфқда қип-қизил шафақ ёнди.
A) Содда ёйиқ гап.
B) Боғланган қўшма гап.
C) Боғловчисиз қўшма гап.
D) Эргашган қўшма гап.
E) Ажратилган бўлакли содда гап.

**167. Қайси қаторда ўзбек тилидаги сўзларнинг одатдаги тартиби ўзгарган?**
A) Биз пахтадан мўл ҳосил олдик.
B) Мен институтга ўқиш учун келганман.
C) Минорадан тушолмай қолди бувант.
D) Қиш тугади, яна баҳор келди.
E) Аҳмаджон пахтани ҳаммадан кўп теради.

**168. Қайси қаторда ўзлаштирма гап берилган?**
A) Бошқа бир косага: «Илмнинг ибтидоси аччиқ, сўнгги болдан ҳам тотли», — деб ёзилганди.
B) «Сиз ҳаддан зиёд кўнгилчан ва олижанобсиз», — деб эътироз билдирди Ҳайдар.
C) Кейин Сарви ҳақида гапирди, унга насиҳат беришни, йўлга солишни айтди.
D) «Халқ нимани маслаҳат берса, ўшани қилинг», — деди Ҳайдарбек.
E) «Қўлингиздаги қанақа асо?» — сўрадим мен.

**169. Тилнинг луғат бойлиги тилшуносликнинг қайси бўлимида ўрганилади?**
A) Фонетикада.
B) Морфологияда.
C) Лексикологияда.
D) Синтаксисда.
E) Услубшуносликда.

**170. Қайси қатордаги гапда «тош» сўзи бош маънода қўлланган?**
A) Тошбақа фойдали жониворлардан ҳисобланади.
B) Тош йўл жуда тор эди.
C) У мактабда ўқиган пайтларда ҳам тошюрак эди.
D) Шунчалик тошбағир онани биринчи кўришим.
E) Ушбу китоб тошбосма усулда нашр қилинган.

**171. Ўзаро синоним бўлган қуйидаги сўзлардан қайси бири услубий жиҳатдан бетараф?**
A) Турқ.
B) Ораз.
C) Рухсор.
D) Юз.
E) Башара.

**172. Фан-техникага оид тушунчаларни аниқ ифодаловчи сўзлар қандай номланади?**
A) Терминлар.
B) Янги сўзлар.
C) Кўп маъноли сўзлар.
D) Шевага хос сўзлар.
E) Жаргонлар.

**173. Сўз маъносининг кўчиш усуллари қайси қаторда тўғри берилган?**
A) Эскирган сўзлар, янги сўзлар.
B) Омоним, синоним, антоним.
C) Бир маънолилик ва кўп маънолилик.
D) Тарихий сўзлар ва архаизмлар.
E) Метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик.

**174. Жавобларнинг қайси бирида ибора (фразеологик бирлик) қўлланмаган?**
A) У шаҳарга умид билан борган эди, лекин тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтиб келди.
B) Аравани қуруқ олиб қочиш эви билан-да.
C) Йўқлаб келибсан, бошим осмонга етди.
D) Қорасочнинг дили сиёҳ бўлиб, бирдан хўрлиги келди.
E) Ҳар қандай темир ёки пўлатни занг чиритади.

**175. Қайси қатордаги гапда кўчма маъноли сўз қўлланган?**
A) Ариқ-зовурлар аллақачон қазиб, тозалаб қўйилган эди.
B) Сизнинг келишингизни эшитиб, бутун Марғилон кўчиб чиқди.
C) Кийикчамга уйча ясадим.
D) Ёғочни бир қарич-бир қарич қилиб арралай бошладилар.
E) Навоий шаҳарда бундай муассасаларни кўплаб барпо қилди.

**176. Қайси қаторда қаратқич келишиги ўрнида тушум келишиги қўшимчаси қўлланган?**
A) Навоий гулни северди.
B) Дарё сувини баҳор ширар, одам қадрини меҳнат оширар.
C) Ёрмат жаҳли чиққанидан отларни қамчиларди.
D) Бирлашган ёвни қайтарар.
E) Латифжонни адаси сўзини устидан чиқди.

**177. Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони бош қаҳрамонининг асл исми қайси қаторда берилган?**
A) Қайс.
B) Меҳр.
C) Суҳайл.
D) Шопур.
E) Шеруя.

**178. Шарқ адабиётидаги энг кичик ҳажмли шеърий жанр?**
A) Мураббаъ.
B) Рубоий.
C) Туюқ.
D) Фард.
E) Қитъа.

**179. Қуйидаги парча кимнинг қайси асаридан олинган ва унда қайси образ ҳақида гап боради?**
«...нинг қизиқ бир табиати бор: хотини билангина эмас, умуман, уй ичиси билан ҳар қандай масала устида бўлса-бўлсин узоқ сўзлашиб ўтирмайди»
A) Юқоридаги жавобларда адибнинг, асарнинг, қаҳрамоннинг номи қайд этилмаган.
B) Чўлпон. «Кеча ва кундуз». Акбарали мингбоши.
C) Қодирий. «Меҳробдан чаён». Солиҳ махдум.
D) Қодирий. «Ўтган кунлар». Юсуфбек ҳожи.
E) Ойбек. «Қутлуғ қон». Мирзакаримбой.

**180. Қуйидаги мавзулардан қайси бири Бобур рубоийларида етакчи ўрин эгаллайди?**
A) мардлик ва жасорат.
B) ишқий мавзу.
C) сўфиёна мавзу.
D) майпарастлик.
E) ёр ва диёрни қўмсаш.

**181. Дантенинг «Илоҳий комедия» асарини ўзбек тилига ўгирган шоир ким?**
A) У. Азимов.
B) Э. Воҳидов.
C) А. Орипов.
D) А. Мухтор.
E) Р. Парфи.

**182. Қайси адибнинг асарларидан бирида алланинг бола руҳий оламига таъсири ҳақида фикр юритилган?**
A) Чўлпон.
B) Абдулла Авлоний.
C) Фитрат.
D) Беҳбудий.
E) Ҳамза.

**183. Фурқатнинг: «Кириб алқисса, ҳикматхона ичра Ҳама илмини кўрдук тилгироми», — байти қайси асарига мансуб?**
A) Қайд этилган асарларда бу байт ёзилмаган.
B) «Гимназия».
C) «Виставка хусусида».
D) «Акт мажлиси хусусида».
E) «Илм хосияти».

**184. Матлаъ нима?**
A) Ғазалда умуман матлаъ бўлмайди.
B) Ғазалнинг алоҳида олинган ҳар бир байти.
C) Ғазалнинг энг сўнгги байти.
D) Ғазалнинг ўзаро қофияланувчи мисралардан ташкил топган биринчи байти.
E) Ғазалнинг иккинчи байти.

**185. «Она тилим — онажоним тили бу,**
**Бешикданоқ сингган жону қулоққа.**
**Элу юртим, хонумоним тили бу,**
**Қадимликда ўхшар она тупроққа...»**
сатрлари билан бошланувчи
шеър кимнинг қаламига мансуб?
A) Миртемир.
B) Зулфия.
C) Э. Воҳидов.
D) А. Орипов.
E) Шайхзода.

**186. Ойбекнинг Хорижий Шарқ мавзуида ёзган асарининг номи нима?**
A) «Бахтигул ва Соғиндиқ».
B) «Қуёш қораймас».
C) «Улуғ йўл».
D) «Нур қидириб».
E) «Қутлуғ қон».

**187. Одил Ёқубовнинг тарихий романи?**
A) «Чинор».
B) «Кўҳна дунё».
C) «Юлдузли тунлар».
D) «Давр менинг тақдиримда».
E) «Диёнат».

**188. Мураббаъга хос қофияланиш тартиби қайси жавобда тўғри кўрсатилган?**
A) а-б-а-б, в-г-в-г.
B) а-а-а-а.
C) а-а-б-а.
D) а-а-а-а, б-б-б-а, в-в-в-а...
E) а-а-б-б, в-в-г-г.

**189. Ҳаётдаги бирор воқеани танқидий баён қилувчи асарни топинг.**
A) Фельетон.
B) Достон.
C) Ҳикоя.
D) Масал.
E) Аския.

**190. Мухаммасга хос қофияланиш тартиби қайси жавобда тўғри кўрсатилган?**
A) а-а-а-а-б-б, в-в-в-в-б-б...
B) а-а, а-б, а-в, а-г...
C) а-б-а-б, в-г-в-г, д-е-д-е...
D) а-а-а-а, б-б-б-б, в-в-в-в...
E) а-а-а-б-б, в-в-в-б-б...

**191. Рубоий нима?**
A) Беш мисрадан тузилган бир неча бандлардан иборат бўлиб, а-а-а-а-а, б-б-б-б-а, тарзида қофияланади.
B) Шеър системасидаги уч байтдан ўн тўққиз байтгача бўлган Шарқ халқлари, жумладан, ўзбек адабиётидаги лирик шеър, а-а, б-а, в-а, г-а ва ҳ.к.
C) Ҳазаж баҳрининг ахраб ва ахрам шажараларида ёзилган, тўрт мисрадан иборат ишқий, ахлоқий, сиёсий-фалсафий мавзулардаги шеър.
D) Саккиз мисрали бир неча банддан иборат бўлиб, биринчи банд ягона қофияланишга эга, қолган бандларнинг етти мисраси ўзаро, саккизинчи мисраси биринчи бандга қофиядош бўлади.
E) Ҳар бири олти мисрали бир неча бандлардан иборат бўлади. Биринчи банд ўзаро, қолган бандларнинг беш мисраси ўзаро ва олтинчи мисралари биринчи бандга қофиядош бўлади.

**192. «Туя билан бўталоқ» масалида акс этган асосий ғояни белгиланг.**
A) Яхшилик ва эзгулик.
B) Меҳр-мурувват.
C) Эрк ва озодлик.
D) Эрксизлик ва ночорлик.
E) Саховат, мурувват.

**(Тест савол-жавобларини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, ТТМ ва «Маърифат» газетаси таҳририяти рухсатисиз чоп этиш ва тарқатиш мумкин эмас).**

